*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 77 (9063). • 1987 йил 22 апрель • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ЯШАСИН МАНГУ БАРҲАЁТ РЕВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТ— МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## Ўзбекистон ССР Олий Советини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг бешинчи сессияси 1987 йил 22 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

— КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани ҳақида.

— Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисида.

— Ўзбекистон ССР Олий Совети Уй-жой-коммунал хўжалиги комиссиясининг иши ҳақида.

— Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. НИШОНОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

**Тошкент шаҳри, 1987 йил 20 апрель.**

# ЛЕНИН ҲАМИША БИЗ БИЛАН

Яна баҳор. Яна кишилар сархуш ўйлар оғушида. Яна қалбда эзгу ниятлар жўш урмоқда. Чунки олам янгидан яшармоқда. Бу — севимли доҳий Владимир Ильич Ленин таваллудининг 117-баҳори.

Ҳар сафар табиатнинг ана шу сўлим даврида у туғилган кун санасини нишонлаймиз. Шу кун Ер юзидаги бутун прогрессив инсоният чуқур миннатдорчилик билан унинг номини тилга олади. Зотан, Ленин инсониятга чин саодатни, эрк ва бахт йўлини кўрсатди, мазлумларга ўзлигини танитди.

Лениннинг чуқур назарий тафаккури, юксак ахлоқий намунаси, улкан фаолияти самаралари ҳамон яшамоқда, янги-янги қирраларини намоён этмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь 70 йиллиги муносабати билан совет халқига Мурожаатномасида шундай сўзлар бор: «Бизнинг социалистик қурилишдаги дастлабки қадамларимизни В. И. Ленин йўналтириб турган эди. Ленин бугунги кунда ҳам биз билан биргадир: қайта қуриш партия ва мамлакат турмушида ленинча революцион руҳни тобора чуқурроқ қарор топтирмоқда».

Ҳақиқатан биз ҳар доим, ҳамма ишларимизда Ленин билан маслаҳатлашамиз, ундан ўрганамиз, унинг пурҳикмат сўзларига қулоқ соламиз.

...Ҳисоблаб чиқишларича, Владимир Ильич лексиконида 37 минг 600 дан ортиқ сўз бўлган экан. Жаҳонда ҳали ҳеч бир донишманд, сиёсий арбоб, мутафаккир ёки ёзувчининг сўз бойлиги бунчалик кўп бўлган эмас. Ленин фақат сўзгагина чечан эмасди, у тенгсиз амалиётчи, бутун куч-ғайратини революцияга бахшида этган тиниб-тинчимас инсон эди.

«В. И. Ленин тили луғати»ни тузаётган олимлар у қайта-қайта мурожаат этган сўзлардан бири «ошкоралик» эканлигини пайқашди. Ҳозир совет жамиятини қайта қуриш қизғин давом этаётган айни шу кезларда бу сўз партиямизнинг қудратли қуроли, давримизнинг чинакам шиорига айланди, унинг моҳиятини тўла тушуниб етмаган чет эллардаги сиёсий муҳолифларимиз бу иборани рус алфавити билан ёзиб изоҳлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ошкораликка Ленин большевиклар партияси эндигина тузилган ўша 1903 йилдаёқ алоҳида урғу берган эди. У ё бу ходимнинг кучли ва заиф томонларини кафтдагидек кўриб туриш лозимлигини, партия аъзосининг муваффақиятсизликлари тор муҳитда қолиб кетмаслиги, балки уларни ҳамманинг фикрига ҳавола этишни талаб қилган эди. Доҳий партиявий ошкоралик билан хатолар ва нуқсонларга қарши курашишга даъват этганди. Кейинчалик, Совет ҳокимияти йилларида ҳам у «сансалорликни ошкоралик ҳукмига ҳавола этишни, фақат шу йўл билан биз бу иллатни жиддий даволашимиз мумкинлигини» айтган эди.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми ва КПСС XXVII съезди ҳозирги вазиятни чуқур, ленинчасига англаб, ўз қарорларида улуғвор мақсадларни реал имкониятлар билан узвий боғлади. Олға боришга ҳалақит берувчи ҳамма нарсага муросасиз — ошкора баҳо бериш — принципиал ленинча позиция, партия куч-қудратининг кўрсаткичидир.

Партия иродаси билан бошланган қайта қуриш туфайли бутун мамлакат ҳаракатга келди, жамиятимиз янгича нафас ола бошлади. Ҳамма ерда ахлоқий вазият покланиб, маънавий ҳаёт қизиқарли, хилма-хил бўлиб бормоқда. Ошкоралик ва ҳаққоният, танқид ва талабчанлик кундалик ҳаётнинг ажралмас хусусиятлари бўлиб, қарор топмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Ленинни кўпроқ қандай масалалар ҳаяжонга солганлигини билиш учун унинг асарлари текстларини бир бор кўздан ўтказиш кифоя, Тадқиқотчилар Ленин шу даврдаги асарларида яна «бюрократизм» ва «интизом» сўзларини кўп тилга олганлигини пайқадилар. Биринчи сўзни доҳий 600 мартадан ортиқроқ, иккинчисини эса 400 мартадан ортиқ ишлатган экан.

Ҳа, ҳозир ҳамма ерда Ленин васиятлари асосида интизом учун, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун кураш олиб борилмоқда. Партиямиз доҳий кўрсатмаларига амал қилиб, биронта ҳам ходим назоратдан, танқиддан четда бўлмаслиги керак, деган принципни изчиллик билан амалга ошираётир. Партия ташкилотлари суиистеъмолларга йўл қўяётган, ўзини носамимий тутаётган, кибр-ҳавога берилган коммунистлардан дадиллик билан ҳалос бўлмоқда.

Жамиятимиз масъулиятли даврни бошидан кечираётган шу кунларда бюрократизм ва турғунликка қарши ленинчасига аёвсиз кураш бошланди. Зотан, қайта қуриш маъмуриятчилик ва буйруқбозликдан, кераксиз чеклашлар ва таъқиблардан воз кечишни талаб қилмоқда, одамларнинг ақл-идроки ва тажрибасига, уларнинг ишга омилкорлик билан, давлат нуқтаи назаридан ёндашишига тўраларча ишончсизликка барҳам бериш керак. Бусиз олға томон муваффақиятли ҳаракат қилиб бўлмайди.

Доҳий демократия нечоғлик кўп бўлса, социализм ҳам шунчалик кучли бўлади, деб қайта-қайта уқтирган эди. КПСС XXVII съездидан кейин ҳамма ерда демократияни кенгайтириш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, жамоат ташкилотлари активлигини кучайтириш, гражданлар, меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини бутун чоралар билан кўтариш орқали инсоннинг эркин меҳнатига кенг йўл очиб берилмоқда.

Буни айни кунларда маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарлик қизғин паллага кирган бир пайтда яққол сезиб турибмиз. Меҳнаткашлар ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар орасидан энг муносибларни ошкоралик билан ва қизғин муҳокама этиб, ҳокимият органлари депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатмоқдалар. Меҳнат коллективлари иш учун жон куйдирадиган, талабчан ва ташаббускор, хўжасизлик ва сансалорликка муросасиз бўлган, идеалларимиз учун тинмай курашадиган кадрларни ўз корхона, ташкилот, муассасаларига раҳбар қилиб сайламоқдалар.

Ленинга ва унинг ўлмас таълимоти ленинизмга риоя этиш ҳамиша ижодий изланишни, ҳар бир янги тарихий босқичда эскирган тасаввур ва тушунчалар доирасидан чиқа билишни, келажакка томон дадил интилишни қатъий реализм билан боғлаб олиб боришни тақозо этади. В. И. Ленин бизнинг ҳозирги ҳамма ишларимизда бирга қадам ташламоқда, биз билан ҳамнафас бўлиб турибди.

Бизнинг севимли устоз ва йўлбошчимизга ҳурмат ва эҳтиромимиз чексиздир. Доҳийга бўлган сўнмас садоқатни шу йил 18 апрелда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиги яна бир бор намойиш этди. Доҳий туғилган куннинг 117 йиллигига бағишланган бу умумхалқ ҳашари қатнашчилари зарбдорларча ишладилар. 2 миллиондан ортиқ киши областимиздаги меҳнат байрамида қатнашди. Шанбаликда 18 миллион 873 сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. 2 миллион сўмдан зиёд маблағ беш йиллик фондига ўтказилди.

Айни шу кунларда халқимизнинг юксак онглилиги ва ижодий активлиги янада жўш урган. Улар жадаллаштириш программасининг муҳим босқичи — ўн иккинчи беш йиллик иккинчи йилининг план топшириқларини бажариш, ижодкори доҳий Ленин бўлган Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашмоқдалар.



Холид РАСУЛ

## ДАҲОСИДАН ОЛИБ КУЧ-ҚУДРАТ

Смольний. Ҳаётнинг ёноғида сен,
Шимол оқ кечасин қучоғида сен,
Келтирдинг беғубор тонг ҳавосини
Тугатиб зулмнинг интиҳосини
Юракка ҳаяжон, мардлик бағишлаб,
Очиб бердинг инқилоб дарвозасини.
Бахш этиб халқларга бахт жилосини,
Ёнингда улуғвор Нева дарёси
Жим, сокин ва ўйчан оқаркан бардам,
Инқилоб денгизи ҳайқирди бирдан,
Ўрлади кўкларга жарангдор овоз
Ленин даҳосидан олиб куч-қудрат,
Шиддатли ҳаётнинг орзуси парвоз—
Этдию гурлади момақалдироқ,
Бепоён Ватанда нурланиб шу он
Тонг отди—ёп-ёруғ, ажиб сулув тонг.
Уфқда ол байроқ, қизил, шафақранг!
Етмиш йил ўтибди, муқаддас улуғ
Жаҳонга нур сочган шу ҳодисага,
Ленин одимларин шарпаси қутлуғ
Хиёбон йўлларда ўтган лаҳзага.
Энди мен бу ерда хаёлга толиб,
Юраман, Смольний саройида жим.
Инқилоб, Лениннинг чўнг даҳосига
Юракда таҳсиним, эъзозим ҳоким...

## «Ленин, партия, ёшлар» тўплами

«Ленин, партия, ёшлар» тўплами босмадан чиқди. Бу тўпламга В. И. Ленин асарларидан, ёшлар ҳаракатининг ривожи, комсомолга партия раҳбарлиги масалаларига оид партия ҳужжатлари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг асарларидан парчалар киритилган. Тўплам проблемали мавзу принципида тузилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

# ЛЕНИНИЗМГА САДОҚАТ

Тарихда шундай номлар ва воқеалар борки, улар ўз миқёслари ҳамда одамларнинг ақли ва қалбига чуқур таъсири жиҳатидан ўтмишгагина эмас, шу билан бирга ҳозирги даврга ҳам мансубдир. Гениал мутафаккир, матонатли революционер, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси Владимир Ильич Лениннинг номи шулар жумласидандир. Ильич туғилган кун ер юзидаги илғор фикрловчи барча кишилар учун энг порлоқ байрамларнинг бири бўлиб қолди.

Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 21 апрель куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши В. И. Ленин туғилган куннинг 117 йиллигига бағишланди. Республикада совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш қатнашчилари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари байрамона безатилган В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройига келдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов доклад қилди.

Йиғилишда қайд этиб ўтилганидек, совет халқининг барча революцион ва меҳнат зафарлари, Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси, коммунистик қурилишдаги ютуқлари Лениннинг номи ҳамда унинг барҳаёт таълимоти билан боғланган. Ўзбекистон меҳнаткашлари совет ҳокимияти йиллари мобайнида совет халқлари қардошлик оиласида экономика, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда катта қадамлар қўйдилар. Бироқ эришилган барча ютуқлар олға ҳаракатимизга халақит бераётган ва ҳали ишимизда мавжуд бўлган жиддий камчилик ва нуқсонларни бекита олмайди.

Ильич васиятларини изчиллик билан рўёбга чиқара бориш бутун жамиятимизнинг янада тараққий этишини, планетада тинчлик учун курашни кучайтиришни таъминлади.

КПСС XXVII съезди Ленин партиясининг, бутун мамлакатнинг ҳаётида тарихий босқич бўлиб қолди. Қайта қуриш ҳамда хўжалик ва ижтимоий турмушнинг барча томонларини янгилаш, совет демократиясини янада ривожлантириш соҳасида съезд ишлаб чиққан йўлни кенг меҳнаткашлар оммаси астойдил қўллаб-қувватлади. Республиканинг ишлаб чиқариш коллективлари ўз куч-ғайратларини мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш программасини амалга оширишга сарфламоқдалар, Улуғ Октябрнинг бўлажак 70 йиллигини янги-янги ютуқлар билан кутиб олишга интилмоқдалар. Улар Ленин васиятларига содиқ эканликларини улуғ доҳий туғилган куннинг 117 йиллигига бағишланган Коммунистик шанбаликда зарбдор меҳнатлари билан исботладилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Б. Усмонхўжаев, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Н. И. Попов, М. Ҳ. Ҳолмуҳамедов, Ҳ. Алимова, В. А. Ҳайдуров, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари К. Н. Могильниченко, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири В. И. Бессарабов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

# СОВЕТЛАРГА МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИ КЎРСАТАЙЛИК

**Ўзбекистонда халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. Меҳнат коллективлари халқ ҳокимияти органларига зарбдор меҳнати, актив ижтимоий фаолияти билан ўзини кўрсатган энг муносиб кишиларни тавсия этмоқдалар. Умумий йиғилишларда партиянинг совет жамиятида демократияни янада ривожлантиришга қаратилган йўли қизғин қўллаб-қувватланиб, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишга астойдил интилиш изҳор қилинмоқда.**

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводи ремонт-комплектлаш цехи коллективи йиғилишида техника контроли бўлимининг контролёри Любовь Ивановна Старцева Тошкент шаҳри халқ депутатлари Ленин район Совети депутатлигига кўпчилик овоз билан номзод қилиб кўрсатилди.

Слесарь К. Х. Қурбонов йиғилишда сўзга чиқиб, Л.И. Старцевани ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери заводда бирга ишлаш давомида билишини айтди. Мана шу катта муддат мобайнида унинг билимдон мутахассис, яхши ташкилотчи, сезгир ва дилкаш инсон эканлигига ишонч ҳосил қилди. Заводда у гражданлик масъулиятидан ташқари ҳеч қандай ваколатга эга бўлмасада, илгари цехда ишлаган пенсионер аёл Н. Циганковага шовқин-сурон солувчи қўшниларни тартибга чақиришда кўмаклашганлиги тўғрисида гапирмоқдалар. Дастлаб ҳеч қандай тушунтиришлар Циганкованинг қўшниларига таъсир қилмади. Любовь Ивановна депутатларга, жамоатчиликка мурожаат қилди. Унинг талаби билан кўрилган чора-тадбирлар кексайиб қолган аёлнинг осойишта ҳаёт кечиришини таъминлади. Л. И. Старцева кўпгина бошқа масалаларни ҳал этишда ҳам шундай қатъият билан иш кўради.

Йиғилишда депутатликка бошқа номзод, техника контроли бўлимининг яна бир контролёри Н. А. Пишчева шанига ҳам кўпгина илиқ сўзлар айтилган бўлсада, кўпчилик Л. И. Старцева учун овоз берди.

— Йиғилиш қатнашчиларига ўз фикрини айтиш учун тўла эркинлик берилди, — деди завод партия комитетининг секретари А. В. Барсуков. — Аммо сўнгги сўзни сайловчилар айтишади. Депутатларимиз районда ҳам, корхонада ҳам социал масалаларни ҳал этишда катта ишларни амалга оширишлари керак. Заводда бундан олдинги сайловдан бери ўтган вақт ичида депутатлар иштирокида бу борада баъзи ишлар қилинди. Ишчиларнинг таклифи асосида савдо маркази ташкил этилди. Бу ерда хилма-хил ассортиментдаги озиқ-овқат ва саноат товарлари бор. Пионер лагерини, дам олиш зонаси ва профилакторийни ободонлаштириш ҳамда кенгайтиришга оид ишлар давом эттирилмоқда. Хуллас, Совет ҳокимияти органларида коллектив вакили бўлишдек шарафли вазифа ишониб топширилган кишиларнинг қиладиган ишлари ҳали кўп.

**(ЎзТАГ мухбирлари).**




МАҚОЛАСИ МУҲОКАМАДА

## ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

МЕН БИР газетхон сифатида «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 3 апрель сонида чиққан «Лоқайдлик гирдоби» мақоласини ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни қоғозга туширдим. Ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда ҳамма ерда боғдорчиликка бўлган эътибор сусайиб кетди. Лекин уни ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Масалан, мақолада таъкидланганидек, корхона, ташкилот ва муассасалар олдидаги майдонларни олиб кўрайлик. Ана шу ерларга юзлаб, ҳатто минглаб туп мевали дарахт кўчатларини ўтқазиш мумкин.

Ўзим Собир Раҳимов районида истиқомат қиламан. Афсуски, ҳамма ерда бўлганидек бизнинг районимизда ҳам боғлар, мевали дарахтлар жуда кам. Айниқса, болалар боғчаси, мактаблар, пионер лагерлари, санаторийларга қарашли территорияларда катта-катта ерларнинг фақат манзарали дарахтлар билан тўлдириб юборилганлигини кўриб ачинасан, киши. Ёки бўлмаса Тошкент Давлат университети атрофидаги чинор, қайрағоч ва бошқа дарахтлар ўрнида мевали дарахтлар экилганида борми, қанча-қанча мева ҳосили олинган бўлур эди. Университетдан сал наридаги ТошМИ атрофида ҳам ҳали ҳеч нарса экилмаган майдонлар талайгина. Энг муҳими бу ўқув масканларида дарахтларни ўтқазиб, парвариш қилиш учун ишчи кучи, имконият етарлидир.

Бу борада бошқаларга ибрат бўлаётган муассасалар ҳам бор. Масалан, районимиздаги 11-, 111-, 224-мактабларда, 81-болалар боғчасида тез-тез бўлиб тураман. Бу ерлардаги ўтқазилган мевали дарахтларга ҳамманинг ҳаваси келади. Нега энди ана шу мактаблар ва боғчаларнинг тажрибаси кенг ёйилмайди?

Халқимизда «кўзи тўймагунча ўзи тўймайди», деган нақл бор. Жуда тўғри гап. Фарзандларимиз, набираларимиз мевали дарахтларни камдан-кам кўрадиган бўлиб қолишди. Шундай экан, вазиятдан тўғри хулоса чиқариб иш юритайлик.

**Фахриддин НУРИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, шахсий пенсионер.**

## КЎЧАТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛСА...

ҲАҚИҚАТАН ҳам боғ-роғларнинг, мевали дарахтларнинг кўп бўлганига нима етсин. Уни ёшларнинг ўзлари парвариш қилиб, ўзлари мевасини териб олиб истеъмол қилсалар қандай яхши. Аксинча, ҳозир бизда болалар ёнғоқ, гилос, ўрик, беҳи ва бошқа мевали дарахтларнинг фақат китоблардаги расмини кўрадиган бўлиб қолишди.

Мақолани ўқиб туриб, яна бир мулоҳаза туғилди. Ана шу дарахтларни ўтқазиш учун, аввало, уларнинг кўчатини топиш керак. Тўғри, магазинларда баҳор ва куз мавсумларида кўчатлар сотилмоқда. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, ҳар ким ҳам шаҳар марказларидаги магазинлардан кўчат харид қилавермайди. Бозорда эса анча қиммат. Яқинда бизнинг «Бешқайрағоч» маҳалласидаги сабзавот магазинига кутилмаганда мевали дарахтлар кўчатини олиб келиб сотишди. Баҳоси 72 тийин. Олган олиб қолди. Кўпчиликка етмади. Уч-тўрт кундан кейин ана шундай кўчатларнинг бир донаси бозорда 4—5 сўмдан сотилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Биз аҳоли зич жойлашган турар-жой массивларида вақтинчалик кўчат сотадиган магазинлар очилишини таклиф қилардик. Ёки бўлмаса махсус машиналарда маҳаллаларда кўчат сотишни ташкил қилиш мумкин-ку. Ахир, «Химчистка» ва кўчма устахоналар маҳаллама-маҳалла айланиб юради-ку. Ана шунда ҳар бир хонадонда мевали дарахт кўпаярди, халқ хурсанд бўларди.

**У. КАРИМОВ,**
**Калинин районидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ ПИСКЕНТДАГИ МАХСУС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР




КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Колхоз раиси Раҳматхон Соипов «Узгипрозем» лойиҳалаш институтидан келган мутахассисларни стол устига ёзиб қўйилган харита ёнига таклиф этди. Харитага кўз ташлаб колхознинг қайси томони кўпроқ зарарланганлигини билиб олиш қийин эмас. Шундай бўлсада, мутахассислар ўша жойларни ўз кўзлари билан кўришни истаб қолишди.

Машина зум ўтмай колхоз марказидан чиқиб кенг дала йўлига тушди. Лекин кўп юрилмади. Лойқа босган жойга етгач шофер машинани четга олди. У ёғига фақат пиёда бориш мумкин.

Тошқин жиловлангач, дарё суви ювиб ўтган пайкалларга бугун қараб бўлмасди. Сув айрим жойларни одам бўйи чуқурликда ўйиб кетган. Бу карталар тошлоқ жой бўлганлиги учун ҳам юзадаги тупроқ ювилгач, тош-шағаллар оқариб қолганди.

Мутахассислар дала айланиб чиқишди. 258 гектар майдон умуман экин экишга яроқсиз бўлиб қолипти. 853 гектар ер эса тошқиндан енгилроқ зарарланибди. Йўл-йўлакай сув шаҳобчаларининг 20 процентини лойқа кўмиб юборганлигини, хўжаликлараро канал ишдан чиққанлигини ўз кўзлари билан кўришди.

— Тошқиннинг ўзи келтирган зарар 3,6 миллион сўмликдан кам эмас,— деди Пискент район партия комитетининг биринчи секретари Акбарали Йўлчиев.— Агар тиклаш ишларини ҳам ҳисобга олсак кўрилган зарар 13,6 миллион сўмликка етиб боради. Асов дарё бизга кўп ташвиш келтирди. Ҳозир офат чекиниб, бироз эркин нафас олаяпмиз, лекин биринчи кунлардаги воқеаларни эсласак ҳали ҳам юрагимиз орқага тортиб кетади.

Ўша куни тушдан кейин райкомга район партия комитетининг барча аъзолари йиғилишган эди. Навбатдаги пленумда қилинадиган докладнинг хомаки варианти муҳокама этилиши лозим эди. Йиғилиш эндигина бошланай деб турганда «Гулистон» колхози раиси Раҳматхон Соипов телефон қилиб қолди.

(Давоми 4-бетда).

## В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 117 ЙИЛЛИГИГА

# БАШАРИЯТ ЙЎЛИНИ ЁРИТМОҚДА



Совет халқи, социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, халқаро ишчилар синфи, қардош коммунистик ва ишчи партиялари, бутун прогрессив инсоният бугун жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 117 йиллигини нишонлайди. Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ишончли ва содиқ давомчиси сифатида синфий курашнинг жаҳон майдонига чиққан улуғ доҳий уларнинг революцион таълимотини ҳар томонлама ривожлантирди.

Инсоният тарихида маълум бўлган жуда кўп социал таълимотларнинг биронтаси ҳам ўзининг ижтимоий тараққиётга революцион таъсирининг чуқурлиги билан марксизм-ленинизмга тенглаша олмайди. Бу қонуний бир ҳолдир. Марксизм-ленинизм ҳаётнинг, социал тараққиётнинг энг муҳим талабларига тўла жавоб беради, ҳозирги даврнинг энг илғор синфи — ишчилар синфининг жамиятни эксплуатация ва зулм истибдодидан озод қилиш учун социализм ва коммунизм учун курашида қудратли ғоявий қурол ҳисобланади.

В. И. Ленин К. Маркс ва Ф. Энгельснинг инсоният олдидаги буюк хизматини шунда кўрдики, улар капитализмни иқтисодий, социал ва сиёсий томондан ҳар томонлама таҳлил қилиш негизида пролетариатнинг социалистик жамиятни яратувчи сифатидаги жаҳоншумул-тарихий ролини кўрсатдилар. КПСС Программасида таъкидланганидек, марксизм асосчилари ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларини очдилар, капитализмнинг сўзсиз барбод бўлишини назарий жиҳатдан исботладилар ҳамда пролетариатнинг янги, коммунистик жамият ижодкори эканлигидан иборат жаҳоншумул-тарихий вазифасини асослаб бердилар.

Буюк доҳий В. И. Лениннинг социализм ва коммунизм тўғрисидаги марксча таълимотни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида гапирганда аввало шуни айтиш керакки, ленинизм бу Карл Маркс ва Фридрих Энгельс таълимотининг янги тарихий шароитларда тўғридан-тўғри давоми ва ижодий ривожланишидир. Ленин замонанинг туб масалаларига жавоб берди, ишчилар ҳаракатини социалистик революция ва социалистик қурилиш назарияси, уруш ва тинчлик проблемаларига муносабатда бўлишнинг илмий системаси билан қуроллантирди.

Шунинг учун ҳам марксизм-ленинизм ягона революцион таълимот деб ҳисобланади. Буюк Ленин томонидан тузилган Коммунистик партия илмий социализмни ишчилар ҳаракати билан бирлаштиришнинг ҳаётий мужассами, назария билан амалиётнинг бузилмас бирлиги бўлди. У марксизм-ленинизм партияси, революцион ҳаракат партияси бўлди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

В. И. Ленин янги тарихий шароитларда марксизмнинг барча таркибий қисмлари — фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизмни ривожлантирди ва бойитди. Жумладан, Лениннинг марксча фалсафага қўшган ҳиссаси революцион назарияни янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Владимир Ильич энг янги табиий-илмий кашфиётларни фалсафий умумлаштириб, марксча фалсафий материализмни XX аср фани даражасига мувофиқ ривожлантирди. Унинг марксча фалсафа бўйича бошқа асарлари каби «Материализм ва эмпириокритицизм» китоби партиявийликнинг, фалсафа, табиатшунослик, умуман фан масалаларини таҳлил қилишга қатъий илмий муносабатнинг тенги йўқ намунаси ҳисобланади. Бу классик асар марксча фалсафа — материалистик назария ва диалектик методни ижодий ривожлантиришнинг ажойиб мисолидир.

Империализм тўғрисидаги назарияни ишлаб чиқишда Владимир Ильич Лениннинг буюк хизмати бор. У ўзининг «Империализм капитализмнинг юқори босқичидир» классик асарида Карл Маркснинг «Капитал»ини янада ривожлантирди ва бу китоб унинг бевосита давоми бўлди. Ленин бу асарда империализмни чуқур марксча таҳлил қилди, уни монополистик, ўлиб бораётган капитализм, капитализмнинг юқори ва сўнгги босқичи деб таърифлади.

Ленин ғоялари барча мамлакатларда ишчилар синфи ва кўп миллионли меҳнаткашлар оммасининг миллий ва социал озодлик учун, империализм ва мустамлакачиликка қарши кураш, озодлик, тинчлик, демократия ва социализм учун курашида байроқ ва дастуриламал бўлди ва бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бизнинг давримизда революцион, узлуксиз ривожланаётган илмий коммунистик дунёқараш Ленин номи билан узвий боғлангандир ва ҳақли равишда у марксизм-ленинизм деб аталади. XX аср бошидан бери марксизмни ленинизмсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди. Ленин марксистик дунёқараш дурдонасига катта ҳисса қўшди.

Россиядаги социалистик революция инсоният тарихида янги давр, бутун дунё миқёсида капитализмдан социализмга ўтиш даврини очди, деган ленинча хулоса ўзини тўла исбот этди. Халқаро революцион жараён тўхтовсиз олға бормоқда, унинг доираси тобора кенгайяпти. Фактлар бизнинг давримизда халқаро социализм тарихий реаллик бўлиб, социализм ва коммунизм қураётган мамлакатлар ва биринчи навбатда Совет Иттифоқи жаҳон революцион жараёнини ривожлантиришнинг қудратли базаси бўлиб қолишлиги ҳақидаги марксча-ленинча хулосани тасдиқламоқда.

КПСС ўзининг барча тарихий ишларида буюк марксча-ленинча таълимотга сўзсиз амал қилмоқда. Марксизм-ленинизмга, унинг принципларига садоқат партиямизга коммунизм томон боришнинг ҳар бир босқичида мамлакатимиз олдида кўндаланг бўлиб турган мураккаб проблемаларни тўғри ҳал қилиш имконини бермоқда.

Марксча-ленинча ғоялар дурдонаси ҳозирги шароитларда КПСС ва қардош коммунистик партиялар, бутун дунёдаги марксчи-ленинчиларнинг коллектив куч-ғайратлари билан бойимоқда. Бизнинг партиямиз марксча-ленинча назарияни ривожлантириш бўйича олиб бораётган узлуксиз ишини буржуазия идеологиясининг барча формаларига қарши муросасиз кураш билан узвий боғламоқда. Чунки бу унинг халқаро коммунистик ҳаракат олдидаги ўз интернационал бурчининг энг муҳим қисмидир.

КПСС фаолияти ҳозирги замон ижтимоий тараққиёт, илмий коммунизм назариясининг туб масалаларини дадиллик билан ижодий ҳал қилишнинг намунасидир, у марксча-ленинча позицияда туриб, келажак учун иқтисодий, сиёсий ва назарий вазифаларни белгиламоқда. Бироқ, шуни очиқ айтиш керакки, 70-йиллар ва 80-йилларнинг бошларида назариянинг аҳамияти ҳаётда мавжуд бўлган барча қарама-қаршиликларни аниқ ифодалашдадир, деган ленинча кўрсатма деярли эсдан чиқариб қўйилди. Социализм тўғрисидаги назарий тушунчалар кўп ҳолларда 30—40-йиллар даражасида қолиб кетди. Ваҳоланки, ўша вақтда жамият тамомила бошқа вазифаларни ҳал қилган эди. Ривожланаётган социализм, унинг ҳаракатга келтирувчи кучлари ва қарама-қаршиликлари диалектикаси, жамиятнинг реал аҳволи чуқур илмий тадқиқотлар объектлари бўлмай қолди.

В. И. Ленин коммунизмни фақат китоблар орқали ўрганиш мумкин эмас, масъулиятли ишларни бажармай туриб, масъулиятни тарбиялаш мумкин эмас, деб таъкидлаган эди. Ҳозирги вақтда ана шу кўрсатмаларни халқ хўжалигида, фан ва техникада, билимлар ва маданиятни ўрганишда, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ва уни ҳимоя қилишда амалга ошириш лозим.

Социалистик турмуш нормаларини тиклаш ва янада ривожлантириш беқиёс куч-ғайрат сарфлашни талаб этади, деди М. С. Горбачев. Бугунги кунда барча ғоявий-тарбиявий иш мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш проблемаларини ҳал қилишга йўналтирилиши, ҳар томонлама камол топган шахснинг шаклланишига ёрдам бериши, ҳар бир кишида мустаҳкам гражданлик позициясини, коммунистик ғоявийликни, совет Ватанига, пролетар ва социалистик интернационализмга содиқликни, социалистик турмуш тарзига, бизнинг маданиятимиз ва коллектив ахлоқимизга ёт бўлган барча нарсаларга нисбатан муросасизликни тарбиялашга ёрдам бериши керак. Худди шу мақсадда демократик асосларни янада ривожлантириш, партия ва жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг меҳнат ва истеъмол меъёри устидан назорат қилишдаги, интизом, тартиб ва ахлоқни бузиш ҳолларига қарши курашдаги ролини ошириш даркор.

Тарих жаҳон пролетариати доҳийсининг дадил орзулари рўёбга чиқаётганлигидан далолат бермоқда. Капитал мамлакатларида сиёсий жанглар тинмай давом этяпти, миллий-озодлик ҳаракати миқёслари кенгайиб боряпти. Сўнгги йиллар марксча-ленинча ғояларнинг тантанасидан ёрқин далолат бермоқда. Бу ғоялар қардош социалистик мамлакатлар учун янги жамият қуришда ишончли мўлжал бўлиб хизмат қилмоқда.

Улуғ Октябрь революциясининг 70 йиллиги арафасида турибмиз. Ҳар бир иш жойида ғайрат-шижоатни икки-уч баравар кучайтириш ва бу билан қутлуғ санани муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириш — ҳар бир совет кишисининг ички эҳтиёжи, мамлакатимизнинг қардош халқлари олдидаги ватанпарварлик бурчидир.

Ҳар соҳада В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиш, шу асосда мамлакат халқ хўжалигини социал ва иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, совет кишиларининг меҳнат, дўстлик ва интернационал тарбиясини кучайтириш, ҳар соҳада ижодий изланишни кенгайтириш, янгиликлар ва илғор ташаббусларни маъқуллаб, кенг оммалаштиришга эришиш, совет халқи олдида турган улкан яратувчилик вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш имконини берадиган барча резервлар ва омиллардан оқилона фойдаланиш керак. Бу бизнинг улуғ доҳий васиятларига амалий жавобимиз бўлади.

**В. ШАПОВАЛЕНКО,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**







● Мамлакатимизда улуғ доҳий В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фаолияти билан боғлиқ жойлар авайлаб сақланмоқда. Суратда: 1870—1875 йилларда Симбирск шаҳрида Ульяновлар оиласи яшаган уйларнинг кўриниши. Бу ерда ҳозир Ленин мемориал қомплекси ташкил этилган.

Н. Дергилев фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

## Большевистик анъана

**Шушенсклик деҳқонлар 1922 йилнинг 23 апрелида В. И. Ленин туғилган кунга бағишланган тантанали йиғилишга тўпландилар. Улар шу йиғилишда қарор қабул қилиб, уни телеграф орқали Кремлга йўлладилар. Бу қарорда шундай дейилган эди: «Улуғ тантана, жаҳон пролетариатининг ҳурматли доҳийси туғилган кун шарафига ўтказилган пролетар мажлиси Сизга, Владимир Ильич, Шушенск волости деҳқонлари кучи билан эллик десятина ерга дон экиш кўринишида бўлган исми ёзилган совғани тақдим этади...»**

**Сибирь даласи. Оддий дала. Қуёш ерни қиздиради. Дала тепасида қушлар чуғурлайди. Лекин бу дала ҳар ҳолда ўзгача, алоҳида дала.**

**Шушенсклик деҳқонлар бундан 65 йил илгари баҳорнинг очиқ кунларидан бирида бу ерга келиб, ерга уруғ сепдилар. Бу коллектив хўжалик юритиш томон қўйилган дастлабки қадам бўлди. Кузда ҳосилни йиғиб олдилар. Ҳар десятина ердан юз пуддан дон етиштирилди. Унинг ҳаммаси Волга бўйига оч болаларга юборилди. Ўшандан буён бу дала Ленин даласи деб аталадиган бўлди.**

**Ҳозир ҳам Шушенскнинг энг яхши механизаторлари ҳар баҳорда экиш ишларини Ленин даласидан бошлайдилар. Бу большевистик анъананинг тарихи шундай.**

# ҚАДРДОН ЗИЁРАТГОҲ

Ленинские Горки... У ҳар бир совет кишиси учун, жаҳондаги барча мамлакатлар меҳнаткашлари учун қадрдон ва яқин зиёратгоҳ ҳисобланади. Коммунистик партия ва совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин шу ерда яшади, ишлади ва дам олди, ўзининг оғир касаллик кунларини шу ерда ўтказди, унинг юраги шу ерда уришдан тўхтади.

Ҳар куни ёзда ва кузда, эрта баҳор ва қишда Горкига томон автомашиналар оқими тўхтовсиз оқади. Бу ерга Ватанимизнинг барча бурчакларидан, чет эллардан кексалар ва ёшлар узлуксиз келиб туришади, улуғ доҳий ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи нарсаларни ўз кўзлари билан кўришга ошиқадилар. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, худди шу ерда халқимизда Ленин билан маслаҳатлашишга бўлган ички эҳтиёж йилдан йилга ошиб бораётганлигини, ҳар қандай катта ва майда ишларда ҳам ундан намуна олишга интилиш кучаяётганлигини ҳис қиласан.

...Умри асрларга тенг қарағайлар сокин кўкка бўй чўзган. Улар неча ўн йиллардан бери В. И. Ленин сўнгги йўлга узатиб қўйилган кўчанинг икки томонида саф тортиб турибди.

Ўтган асрнинг охирлари учун типик ҳисобланган кўп устунли оқ уй ўтмиши ҳақида 1917 йилгача нималар маълум эди? Фақат бу ерда Савва Морозовнинг тул қолган хотини сўнгги ҳаётини ўтказганлиги, сўнгра барон Рейнбот яшаганлиги маълум эди, холос. Лекин ишчилар ва деҳқонлар ҳокимияти бошқача йўл тутди...

Владимир Ильич Горкига биринчи бор 1918 йилнинг 25 сентябрида, аксилинқилобчи Каплан ўқидан оғир жароҳатлангандан сўнг келган эди. Ўша вақтда у кичиккина шимолий флигелда бутун оиласи билан яшай бошлади. Бу ерда Лениннинг «Пролетар революцияси ва ренегат К. Каутский» китобининг катта қисми ёзилди.

Шимолий флигелнинг зали экспозициясида рассом Н. Сисоевнинг «В. И. Ленин ва Н. К. Крупскаянинг Горки қишлоғига келиши» картинаси осиғлиқ турибди, доҳийнинг 1921 йилнинг 9 январида шу қишлоқ деҳқонлари билан учрашуви тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар ҳам шу ерга қўйилган.

«Асрий муҳтожликдан қандай қилиб қутулиш мумкин?» — атрофдаги деҳқонларни қизиқтираётган энг асосий масала шу эди. Владимир Ильич уларга шундай сўзлар билан жавоб берди: бирлашиш керак. Шу вақтгача кечириб келган ҳаётимиздан бошқача — янгича яшаймиз, ҳаммасини меҳнат енгади! Улуғ доҳийнинг бу сўзлари партиямизнинг қишлоқдаги фаолияти учун программа бўлиб қолди.

В. И. Ленин деҳқонларнинг илтимосларига жуда эътибор билан муносабатда бўларди. У Горкида доклад қилиб бўлгандан кейин деҳқонлар қишлоқни электр нури билан ёритишда ёрдам беришни илтимос қилдилар. Орадан кўп ўтмай қишлоқликлар хонадонларида Ильич чироғлари ёқилди. Ҳикоя қилишларича, кунлардан бир кун шу ерлик деҳқонлар Лениндан ҳавзани балиқ етиштириш учун беришни илтимос қилдилар. Уларнинг илтимослари шу заҳотиёқ қондирилди.

Кишиларга нисбатан ғамхўр Ильич ҳамма жойда қаттиқ тежамкорлик бўлишини талаб қилар, ўзи ва оиласи ҳақидаги у ёки бу ғамхўрликни нотўғри ва ортиқча чиқим деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам унинг оиласи ҳатто дастлабки йилларда кичик Шимолий флигелда яшади. Фақат саломатлиги ёмонлашиши муносабати билан врачларнинг талаби бўйича 1921 йилнинг иккинчи ярмида Ленин катта уйга кўчиб ўтди.

Н. К. Крупская ўз эсдаликларида шундай ёзади: «...уй яхши қурилган, айвонлари ва ваннаси бўлиб, электр билан ёритилар, ошхона жиҳозланган, ажойиб боғи бор эди... Вазият одатдан ташқари эди. Биз оддий квартираларда, арзон турадиган хоналарда ва арзон турадиган чет эл пансионатларида яшашга ўрганганмиз ва Рейнбот уйида нима қилишни билмас эдик. Энг кичик хонани танладик. Шу хонага кўчиб кирдик. Ильич унда орадан 6 йил ўтгач вафот этди. Бироқ, бу кичик хонанинг ҳам 3 та катта ойнавандли деразаси ва 3 та тошойнаси бор эди. Биз бу уйга аста-секин кўникдик... Сўнгра Горки Ильичнинг ёзги доимий қароргоҳи бўлиб қолди. Ва у секинлик билан «ўзлаштирилди», ишли дам олишга мослаштирилди».

### МОСКВАДАН ХАТ

Надежда Константиновна «ишли дам олиш» иборасини тасодифан ишлатмаган. Ленин ишсиз, машғулотсиз кунни кўз олдига келтиролмасди, унинг тафаккури тўхтовсиз ишларди. У партия ва совет ҳукуматининг раҳбари сифатида сиёсий, давлат ҳаётига оид кундалик масалаларни ҳал қилишдан ташқари муҳим назарий проблемаларни ишлаб чиқишни узлуксиз давом эттирди.

Уй-музейга қўйилган ва В. И. Лениннинг ҳаёти ҳамда фаолиятини акс эттирган ҳужжатлар, қўлёзмалар, фотосуратлар, картиналар, ҳайкаллар доҳий образини тушуниш имконини беради. И. Андреев, М. Манизер ва бошқа лениниана муаллифлари ҳайкалларининг ҳаммасида Владимир Ильич зўриқиб ишлаётгани, дам олиб, фикр юритаётгани акс этган. Бу ерга қўйилган ҳужжатлар доҳийнинг зўр матонат билан ишлаганлигидан далолат беради. В. И. Ленин Горкида қатор мақолалар ёзди, партия XXI съездига тайёргарлик кўрди.

Бироқ Ленин фақат доим иш билан банд бўлган, эрта тонгдан кечгача ёзув столи ёнида ўтирган, деб хулоса чиқариш асло мумкин эмас.

У қувноқ ва ҳаётни севувчи, дўстлар суҳбатини ёқтирувчи инсон бўлган, деб эслайди у ҳақда М. И. Ульянова. Лекин Ленин ҳаммадан ҳам кўра табиатни севган. Ўрмонда ва боғда сайр қилиш унинг учун энг яхши дам олиш ҳисобланган.

Владимир Ильич бутун ҳаётини меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун курашга бағишлади. Горкидаги мемориал музейнинг В. И. Ленин иш кабинетида 1924 йилги йиртма календарь осиғлиқ турибди. Ильич эрталаб кабинетига келиши билан одати бўйича дастлаб календарь варағини йиртиб оларди. Вақт ўтиб сарғайиб кетган календарь варағида «1924 йил 21 январь. Душанба» сўзлари ёзилган. Календарнинг бу варағи йиртилмай қолди. Чунки шу куни улуғ доҳий ҳаётдан кўз юмган эди.

...Халқда ким ўз ҳақида яхши ёдгорлик қолдиришни истаса дарахт экиши, боғ яратиши керак, дейилади. 1923 йилнинг кузида Горкига В. И. Лениннинг ҳузурига Глуховлик ишчилар делегацияси ташриф буюрди. Улар Владимир Ильичга 12 минг нафар ишчи имзо чеккан табрикномани келтирдилар ва 18 дона олча кўчати экдилар. Ўшандан бери ҳар баҳор шу олча дарахтлари оппоқ гулга бурканади.

**А. СУХОНОС,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# ИЛЬИЧНИНГ НОМАЪЛУМ ТАХАЛЛУСИ

Ҳозиргача Владимир Ильичнинг 160 дан ортиқ тахаллуси маълум. Лекин ҳамон янгилари топилиб турипти. Яқинда тахаллусларининг яна бири аниқланди. Саратов область давлат архивида Авель тахаллусли кимсанинг Гомер асарлари қаҳрамонларидан бири Аяксга юборган хати муттахассисларни қизиқтирди. Бу хат Петербургдан Астраханга юборилган бўлиб, йўлда чоризм охранкаси томонидан ушлаб қолинган эди. Ҳамма гап шундаки, хатни юборган ва уни олувчи большевиклар бўлиб, полиция уларни яхши биларди. «Авель» Авель Сафронович Енукидзе бўлиб, «Аякс» Степан Георгиевич Шаумяннинг тахаллуси эди.

А. Енукидзенинг С. Шаумянга юборган бу ва бошқа айрим мактубларида «Илиада»дан яна бир персонаж исми — жангларда ботир, доно маслаҳатчи, қўрқмас Ахилл исми ҳам учрайди. Енукидзе 1914 йилнинг бошида ўз дўстига юборган хабарда шундай сўзлар бор эди: «Ахиллнинг хатларини юборганинг учун сенга катта раҳмат». Бу хат 1913 йилнинг 6 декабрида (янги ҳисоб бўйича) Краковдан Астраханга Шаумянга юборилган эди. Унинг тагида «Сизнинг В. И.» имзо турарди. Бу вақтда Владимир Ильич Краковда турарди.

1914 йилнинг 22 январида астраханлик жандарм полковниги полиция департаментига хабар юбориб, «Ахилл» «Ленин бўлса керак» деб тахмин қилади. Унинг тахмини тўғри эди. Владимир Ильичда «Ахилл» таҳаллуси қандай пайдо бўлган?

1911 йилда большевиклар Шаумян ва Енукидзе Боку турмасига ташланган эди. Камерада Енукидзе Шаумянга «Илиада»ни совға қилди. У томга шундай ёзув битган эди: «Аякс — Теламонидга». Кўп ўтмай «Аякс» тахаллуси Степан Георгиевичники бўлиб қолди. 1912 йилнинг февралида маҳбусларга В. И. Лениндан хабар етиб келди. Владимир Ильич шундай ёзган эди: «Қадрли дўстим Авель!... Қўлингизни қаттиқ сиқиб қоламан ва ҳозирги турган жойингизда узоқ вақт қолиб кетмассиз деб умид қиламан». Тахминан худди шу вақтда «Илиада»нинг қаҳрамонларидан завқланган маҳбуслар Ленинни Ахилл деб Гомер улуғлаган қаҳрамон номи билан атаган бўлишлари мумкин.

# САККИЗ МИЛЛИОН... МУШТОҚ НИГОҲЛАР

Владимир Ильичнинг барҳаёт сиймоси бугунги ва келажак авлодлар дилидан бир умр ва абадий жой олган. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали доҳий таваллудининг ана шу муборак айёмида айниқса, гавжум бўлишининг боиси ҳам шундан. Мана, ҳозиргина музейда бевосита В. И. Ленин ҳузурида Фрунзе райони ва Тошкент хореография билим юртидан келган бир группа ёшларга комсомол билетлари топширилди. Улар аъзолик билетларини қабул қилиб олишар экан, Ленинддай яшаш ва ишлашга, курашиш ва меҳнат қилишга тантанали ваъда беришди.

Музейнинг бошқа бир залида пионер ва ўқувчиларнинг партия ва меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлари бўлиб ўтди. 23 апрелда музейда В. И. Ленин номидаги педагогика билим юрти ҳамда комсомол оқсоқолларининг уч авлод учрашувларини ўтказиш мўлжалланган. Бундай учрашувлар ҳар йили ўтказилиб турилади. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, коммунистик меҳнат илғорлари, зарбдорлар, партия ва комсомол ходимлари музейнинг Ҳурмат китобига ўз имзоларини қўйишади. Доҳий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий ҳужжатлар билан танишиб, экспонатларни томоша қилишади.

— В. И. Ленин Марказий музейини шу кунгача 8,5 миллион киши келиб кўрди, — дейди музей директорининг ўринбосари Лобочевский.— Бу республика меҳнаткашларининг буюк инсонга бўлган чексиз меҳр-оқибатлари намунасидир.

**Ҳ. СОТВОЛДИЕВА.**





**В. И. ЛЕНИН Марказий музейининг Тошкент филиали залларида.**

Р. Шожалилов фотолари.

# 600 МИЛЛИОН НУСХАДАН ОРТИҚ



**● СОВЕТ ҳокимияти йилларида мамлакатимизда улуғ доҳий В. И. Ленин асарлари 16 минг мартадан ортиқ 122 тилда нашр этилди. Шу жумладан, СССР халқларининг 68 тилида ва чет мамлакатлар халқларининг 54 тилида босиб чиқарилди. Уларнинг жами тиражи 600 миллион нусхадан кўпроқни ташкил этди.**

**● БИЗНИНГ мамлакатимизда Ленин асарлари тўпламлари 1924 йилдан чиқарила бошланди. 1924 йилдан 1985 йилгача унинг 40 томи нашр этилди. Асарлар тўпламларида В. И. Ленин ҳужжатларининг дастлабки нашри амалга оширилган, унинг ижодий лабораторияси очиб берилган.**

**● 1986 йилнинг апрелида Афинада В. И. Ленин тўла асарлари тўпламининг грек тилидаги сўнгги томи босмадан чиқарилди. Бу ишга 60 йилларнинг ўрталарида киришилган эди. Нашр этиш ишлари «қора полковниклар» фашистик хунтаси давлат тепасига келганида тўхтатиб қўйилган эди.**

**● МОСКВАДАГИ «Прогресс» нашриёти В. И. Лениннинг монгол тилидаги 12 томлик «Сайланма асарлари»нинг 1-томини нашрдан чиқарди. Барча 12 томни 1987 йилда — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига чиқариш назарда тутилган. Бу нашрга Лениннинг 230 дан ортиқ асарлари киритилган.**

# ҚЎШИҚНИ ЖОН-ДИЛДАН СЕВАРДИ

**Инсон ўз ҳаётини музикасиз тасаввур қилолмайди. Куй таралган жойда қалблар илҳомга тўлади. Ёрқин эҳтирослар юзага келади. Музика кишиларни яшашга, курашга, завқланишга чорлайди.**

**Доҳиймиз В. И. Лениннинг музика санъатига бўлган муносабати ҳаммага намуналидир. У муҳим давлат ишлари билан нақадар банд бўлишига қарамай театрга бориш, ўзи ёқтирган музикаларни тинглаб завқ олиш учун ҳамиша вақт топарди. Доҳий машҳур композиторлар Римский-Корсаков, Бородин, Моцарт, М. Глинка, М. А. Бетховенларнинг асарларини катта иштиёқ билан тинглар эди.**

**Кичик Володянинг қалбида музикага муҳаббат уйғотган унинг онаси бўлди. У фортепьянони яхшигина чала олар эди. Ҳамжиҳатлик ва дўстлик ҳукмрон бўлган Ульяновлар оиласида тез-тез музика садолари ва қўшиқлар янграб турарди.**

**Владимир Ильич анча ёқимли овозга эга бўлиб дўстлари билан жўрликда куйлашни хуш кўрар эди. У пролетариатнинг гимнига айланган «Интернационал», халқини ўз эркини ҳимоя қилишга чорловчи «Марсельеза», яқин сафдоши — революционер ва олим М. Кржижановский томонидан русчага ўгирилган «Варшавянка»ларини севиб куйлар эди.**

**Н. ИНОҚОВ,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист.**

